Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

# ТОШКЕНТ оқшоми

Ўзбекистон Компартияси Тошкент шаҳар комитети ва халқ депутатлари шаҳар Советининг органи

ГАЗЕТА 1966 ЙИЛ 1 ИЮЛДАН ЧИҚА БОШЛАГАН. • № 71 (5.962) • 1986 йил 27 март, пайшанба • Баҳоси 3 тийин.

## Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети Бюросида

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети Бюросининг 26 март куни бўлиб ўтган мажлисида КПСС XXVII съезди якунларини муҳокама қилишга, КПСС Марказий Комитетининг Сиёсий докладини, партия Программаси ва Уставини, съезднинг бошқа ҳужжатларини пропаганда қилиш ва ўрганишга ҳамда съезд қарорларини бажаришни ташкил этишга оид биринчи галдаги тадбирлар тасдиқланди.

Партия, совет, касаба, союз, комсомол ташкилотлари олдига ҳар бир меҳнат коллективида съезд туфайли юзага келган партиявий принципиаллик, танқид ва ўз-ўзини танқид, топширилган иш учун, камчилик ва нуқсонларни ўз вақтида аниқлаш ва тугатиш учун кадрларга нисбатан юксак талабчанлик муҳитини мустаҳкамлаш вазифаси қўйилди.

Съезд материалларини муҳокама этиш, пропаганда қилиш ва тушунтириш фан-техника тараққиёти ютуқларини, илғор тажрибани жорий қилиш асосида ишлаб чиқаришни интенсивлашнинг конкрет масалаларини ҳал этиш билан чамбарчас боғлаб олиб борилиши, ҳар бир коллективда планнинг барбод бўлишига ва штурмчиликка йўл қўймай, зўр ғайрат билан бир маромда ишлашни таъминлашга, ички резервларни қидириб топишга ва улардан фойдаланишга, меҳнат унумдорлигини ошириш ва маҳсулот сифатини яхшилаш учун курашни кучайтиришга кўмаклашиши лозим.

Республика Олий Советининг 1985 йилги фаолияти якунлари тўғрисида Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг ахбороти муҳокама қилинди. Шу масала юзасидан қабул қилинган қарорда КПСС XXVII съезди талаблари асосида иш услуби ва методларини қайта қуришни жадаллаштириш Ўзбекистон ССР Олий Совети ва унинг органларининг, халқ депутатлари барча Советларининг бош вазифаси эканлиги таъкидлаб ўтилди. Советлар ўз территорияларини комплекс ривожлантириш планларини ишлаб чиқиш, тасдиқлаш ва амалга ошириш ишида ўз ваколатларидан тўла-тўкис фойдаланишлари, қабул этилган қарорларни бажаришда ташаббус ва қатъият кўрсатишлари лозим.

Республика Олий Совети Президиумига Советларнинг ва улар аппаратининг фаолиятини янада такомиллаштиришга, сессияларнинг, доимий комиссияларнинг ролини оширишга, барча депутатларнинг ишлаб чиқаришни ривожлантиришда, давлат ва жамоат ишларини бошқаришда, адолат принципларини қарор топтиришда актив қатнашишларига эришиш тавсия этилди.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг Бюроси республика министрликлари ва идоралари коллегияларининг ишини янада яхшилаш билан боғлиқ бўлган тадбирлар комплексини белгилади. Коллегияларнинг асосий диққат-эътибори халқ хўжалиги тармоқларини жадаллаштириш, интенсивлашнинг энг муҳим проблемаларини ҳал этишга, иқтисодий тежашни ҳамма жойда жорий қилишга, бошқариш ва хўжалик юритишнинг иқтисодий методларини кучайтиришга қаратилиши лозим. Ишлаб чиқариш ва социал ривожланиш планларининг мувозанатли бўлишига, илмий-ишлаб чиқариш потенциалидан фойдаланишни яхшилашга, ишлаб чиқаришнинг техникавий даражасини, ишлаб чиқарилаётган маҳсулот сифатини оширишга сабот билан интилиш, кадрлар тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш системасини такомиллаштириш керак. Хўжалик ва маданий қурилиш вазифаларини ҳал этишда халқ депутатлари маҳаллий Советларининг ижроия комитетлари билан ўзаро алоқани мустаҳкамлаш, меҳнат коллективлари билан жамоат ташкилотларининг фикрини ҳисобга олиш зарурлигига министрликлар ва идоарларнинг эътибори қаратилди.

Министрликлар ва идораларнинг партия ташкилотларига коллегияларнинг ишини яхшилаш учун коммунистларнинг масъулиятини ошириш, партия ва ҳукумат директиваларини бажариш, давлат, план ва ижрочилик интизомини мустаҳкамлаш соҳасида бошқарув аппаратининг фаолияти устидан контрол қилиш ҳуқуқидан тўлиқроқ фойдаланиш таклиф қилинди.

«КПСС XXVII съезди қарорлари асосида республикада ижодкор ёшлар билан ишлашни янада такомиллаштириш тадбирлари тўғрисида» қарор қабул қилинди. Партия, совет органларига, Маданият, Маориф, Олий ва ўрта махсус таълим министрликларига, Кинематография, Телевидение ва радиоэшиттириш давлат комитетларига, Нашриёт, полиграфия ва китоб савдоси ишлари давлат комитетига, Ўзбекистон касаба союзлари республика Советига, Ўзбекистон ЛКСМ Марказий Комитетига, ижодий союзларга КПСС Марказий Комитетининг Сиёсий доклади йўл-йўриқлари асосида ижодкор ёшлар билан ишлашнинг ҳолатини танқидий кўздан кечириш, шу соҳага раҳбарликни тубдан қайта қуришга, ёш маданият арбобларини ғоявий-сиёсий ва профессионал жиҳатдан тарбиялашни яхшилашга оид конкрет тадбирларни ишлаб чиқиб, амалга ошириш тавсия қилинди.

Музика мактаблари, болалар санъат мактаблари, ўрта махсус ва олий ўқув юртлари базасида истеъдодли ёшларни аниқлаш, танлаш ва тарбиялаш билан шуғулланувчи мунтазам системани вужудга келтириш мақсадга мувофиқ, деб топилди. Театрларда ёшлар саҳналарини, «Дебют» кино бирлашмасини, ёш санъаткор зиёлиларнинг ижодиёти проблемаларига оид тадқиқотларни мувофиқлаштириш марказини ташкил этиш, таниқли маданият ва санъат арбобларининг мураббийлигини ривожлантириш, вақти-вақти билан кўрик ва конкурслар ўтказиб туриш кўзда тутилади.

Ўзбекистон ССР Министрлар Советига, Госпланига, маҳаллий Советларнинг ижроия комитетларига адабиёт ва санъат муассасалари ходимларининг самарали ижодий фаолияти учун моддий базани ва маиший шароитларни яхшилаш тадбирларини амалга ошириш таклиф этилди. Қарорнинг баёни эълон қилинади.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети Бюросининг мажлисида хўжалик ва маданий қурилишга партиявий раҳбарликнинг, ташкилотчилик ва оммавий-сиёсий ишларнинг бошқа масалалари ҳам муҳокама этилиб, улар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилинди.

## Замондошимиз



4-автоколоннадаги Қодиржон Орипов бошлиқ ҳайдовчилар бригадаси ўн биринчи беш йилликни барча кўрсаткичлар бўйича муваффақиятли якунлаганди. Илғорлар янги беш йилликнинг дастлабки йилида ҳам яхши меҳнат қилишяпти. Коллектив қабул қилинган план ва социалистик мажбуриятларни ой сайин ортиғи билан бажаряпти. Икки ойлик меҳнат якуни бўйича бригада даромад планини 106,5 процент бажариб, планга қўшимча 3000 сўм даромад берди ва йўлга қўшимча 39 та автомобиль чиқарди.

Бригада аъзолари йўл ҳаракати қоидаларини яхши эгаллаган малакали ҳайдовчилардир. Улар йўловчиларга юксак маданиятли хизмат кўрсатишади ва йўл-транспорт ҳодисаларисиз ишлашади.

Коллективнинг меҳнат муваффақиятларида ишнинг бригада усулида ташкил этилганлиги ҳам муҳим аҳамиятга эга бўлмоқда. Ҳайдовчилар «Бир киши ҳамма учун, ҳамма бир киши учун» шиори остида ишлаб, йўловчиларга тобора намунали хизмат кўрсатишга интилмоқдалар.

СУРАТДА: ҳайдовчилар бригадаси бошлиғи Қобилжон Орипов фарзандлари билан.

Г. Григорьев фотоси.

## Тошкент шаҳар Советининг сессияси

**БУГУН**

**Ўн тўққизинчи чақириқ халқ депутатлари шаҳар Советининг бешинчи сессияси ўтмоқда. Депутатлар:**

— Тошкент шаҳрини 1986—1987 йиллар қиш шароитида ишлашга тайёрлаш бўйича комплекс тадбирлар тўғрисида;

— Ўн тўққизинчи чақириқ халқ депутатлари шаҳар Советининг I, II ва III сессияларида билдирилган истаклар, таклифлар ва танқидий мулоҳазалар бажарилишининг бориши тўғрисида;

— Шаҳар Совети ёшлар билан ишлаш бўйича доимий комиссиясининг ҳисоботи;

— Шаҳар Совети бир қатор депутатларининг депутатлик ваколатларини муддатидан олдин тўхтатиш тўғрисидаги масалаларни муҳокама қиладилар.

**Сессия иши тўғрисидаги батафсил ҳисобот газетада ёритилади.**



# КПСС XXVII съезди қарорлари—ҳаётга

## Пешқадам бригада

Ўзбекистон ССР ва Ўзбекистон Компартиясининг 50 йиллиги номли Тошкент тикувчилик ишлаб чиқариш бирлашмаси шаҳримиздаги намунали корхоналардан бири ҳисобланади. Бу ерда ўз касбини сидқидилдан севган кўплаб оловқалб ёшлар меҳнат қилишади. Уларнинг самарали меҳнатлари туфайли корхона ўтган йили бир қатор ютуқларни қўлга киритди. Жумладан, пландан ташқари 1 миллион 971 минг сўмлик маҳсулот реализация қилинди. «Н» (Янгилик) индекси билан 22 моделдаги 2 минг дона, жами 4 миллион 259 минг сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилди.

Корхонада ишлаб чиқаришни интенсив ривожлантириш вазифалари ҳам муваффақиятли адо этилмоқда. Шунга кўра ўтган беш йилликда 135 ускунадан 77 таси янгиси билан алмаштирилди. Бу ютуқларни қўлга киритишда КПСС аъзоси Ҳанифа Юнусова бошчилик қилаётган бригада аъзоларининг ҳам самарали ҳиссаси бор. Бригаданинг 32 аъзоси бўлиб, улар корхонанинг 10-цехида меҳнат қилишади. Бу коллектив ҳамиша ойлик ва йиллик топшириқларини ортиғи билан адо этиб, бошқа бригадаларга ўрнак бўлиб келмоқда.

— КПСС Марказий Комитетининг партия XXVII съездига Сиёсий доклади бизнинг коллективимизда ҳам синчиклаб ўқиб-ўрганилди. Шунга асосан келажакда бажариладиган ишлар планини режалаштирмоқдамиз. Бу ўринда, айниқса маҳсулот сифатига асосий эътиборни қаратяпмиз, — дейди биз билан суҳбатда цехнинг мураббий ишчиси В. Орипова.

Бригада асосан комсомол-ёшлардан ташкил топган. Ёшларнинг ғайрат ва шижоати туфайли смена ва ойлик топшириқлари муваффақиятли адо этилмоқда. Шу кунларда коллектив биринчи квартал планини бажариш арафасида турибди.

Бригадирнинг ўзи ҳар бир ишда ёшларга ўрнак бўлмоқда. У актив жамоатчи, цех партия ташкилоти секретарининг ёрдамчисидир.



Сайфулла Абдуллаевнинг фурнитура-пластмасса буюмлари заводида меҳнат қилаётганига яқинда чорак аср бўлади. У ностандарт ускуналар тайёрлайдиган слесарлар бригадасига бошчилик қилади. Сайфулла Абдуллаев зиммасидаги вазифага ҳалол, сидқидилдан муносабатда бўлиши, ишчанлиги учун учинчи даражали Меҳнат Шуҳрати ордени билан тақдирланган. Унга «Коммунистик меҳнат зарбдори» номи берилган.

Суратда: илғор бригада бошлиғи Сайфулла Абдуллаев.

Т. Каримов фотоси.

«Қизил шанбалик» тараддуди

## Машинасозларнинг режалари

**Москваликларнинг В. И. Ленин туғилган кунининг 116 йиллиги шарафига коммунистик шанбалик ўтказиш ҳақидаги таклифини қўллаб-қувватлаган республика саноат корхоналари, ташкилотларининг коллективлари ва пойтахтимизнинг барча аҳолиси коммунистик шанбалик кунига тайёргарлик ишларини қизғин бошлаб юборишди. КПССнинг XXVII съезди ўртага қўйган ҳаётий масалаларни ҳал этиш йўлида жонбозлик кўрсатаётган тошкентликлар ўз меҳнат коллективларида бўлиб ўтаётган митинг ва йиғилишларда «қизил шанбалик» кунини янада юксак меҳнат унумдорлиги ва сифат кўрсаткичига эришган ҳолда кутиб олишга ваъда бермоқдалар.**

Шундай митинглардан бири шаҳримиздаги «Узбексельмаш» ишлаб чиқариш бирлашмасида бўлиб ўтди.

Коммунистик шанбаликка бағишланган йиғилиш корхона меҳнат аҳли учун чинакам тантанага айланди. Коллектив москваликларнинг доҳиймиз В. И. Ленин туғилган кунининг 116 йиллиги шарафига коммунистик шанбалик ўтказиш ҳақидаги ташаббусини бир овоздан қўллаб-қувватлади.

— Цехимиз ишчилари «Қизил шанбалик» кунини меҳнатда юқори унумдорликка эришган ҳолда кутиб олади, — деди митингда сўзга чиққан механика цехининг пармаловчиси Н. Утекулова — Бугунги кунда корхона машинасозлари олдида оғир вазифа турибди. Қишлоқ аҳли билан бирга биз ҳам 86 йил баҳорги экиш-тикиш ишларига қизғин тайёргарлик кўряпмиз. Мақсадимиз баҳорги дала ишлари бошлангунга қадар пахтакорларга 2680 та универсал пахта сеялкалари юборишга эришишдир. Бу юксак социалистик мажбуриятни адо этиш ҳар биримизнинг зиммамизга чуқур масъулият юклайди.

Қуюв цехи ишчилари номидан эритув участкаси бригадири Р. Хазиев сўзга чиқди. У шанбалик кунида бутун имкониятни ишга солиб тежаб қолинган хом ашё ва электр энергия ҳисобига ишлашга чақирди.

— Цехимиз ишчилари бир жон, бир тан бўлиб, коммунистик шанбаликка чиқадилар. Шу куни тайёр маҳсулотлар омборхонасига 40 тонна чўян маҳсулотлари жўнатилади, — дейди у ўз сўзида.

Митингда корхона комсомол-ёшлари номидан Д. Курёзов сўзга чиқди. У бирлашма ёшларини меҳнат байрамида уюшқоқлик кўрсатиб ишлашга ва фақат аъло сифатли маҳсулот ишлаб чиқаришга чақирди.

«Узбексельмаш» бирлашмаси коллективи коммунистик шанбалик кунида 25 та универсал пахта сеялкалари, 25 та гербицид мосламалари ишлаб чиқариш ва 10 минг сўмлик эҳтиёт қисмлар тайёрлаб беришга аҳд қилди. Шу куни ишлаб топилган 15 минг сўмлик маблағ беш йиллик фондига ўтказилади.

## Буюртма асосида

**«Узавтотранстехника» илмий-ишлаб чиқариш бирлашмасининг лойиҳа-конструкторлик бюросида КамАЗ 740, ЯМЗ-236, 238-автомашиналари двигателлари клапанини силлиқлайдиган станок яратилиб ишлаб чиқаришга жорий этилди. Бу станок 145-автотранспорт корхонаси ремонтчиларининг буюртмасига биноан тайёрланди.**

**Илгари ҳар бир клапан навбат билан силлиқланар, кўп меҳнат талаб этарди. Бундан ташқари эски ускуна техника хавфсизлиги талабларига ҳам тўла жавоб бермасди. Эндиликда эса МАЗ ва КамАЗ автомашиналари клапанларини бир пайтда ремонт қилиш имкони туғилди. Бунда меҳнат унумдорлиги кескин ўсиши билан бирга, ремонтчилар меҳнати ҳам енгиллашди.**

**П. ВЛАДИН.**

Шаҳар—қишлоққа

## Намуна бўлишмоқда

Шаҳримиздаги экспериментал ишлаб чиқариш автомобиль корхонаси коллективи, мана кўп йиллардан бери қишлоқ меҳнаткашларига оталиқ ёрдами бериб келмоқда. Ўтган беш йиллик план-топшириқларини муддатидан олдин бажарган коллектив, салкам 90 минг сўмлик даромад олишга муваффақ бўлди. Коллектив шу кунларда партиямизнинг навбатдаги съезди қарорларини ҳаётга тадбиқ этиш учун социалистик мусобақани тобора авж олдирмоқда. Шу билан бир қаторда корхона оталиғидаги Жиззах области Октябрь районининг Охунбобоев номидаги совхозига яқиндан ёрдам берилмоқда.

Баҳорги экишга тайёргарлик кўраётган мазкур хўжалик техникасини шай қилишда ремонтчи кадрлар мададкор бўлишмоқда, кўплаб эҳтиёт қисмлар етказиб берилмоқда. Ремонтчилар бригадасининг А. Верченко, М. Акбаров, В. Фролов сингари аъзолари бунда бошқаларга намуна бўлишмоқда.

Алло, редакциями?

## Фойдали суҳбат

«Тошкент оқшоми» ва «Вечерний Ташкент» газеталарининг жамоатчилик редакцияси иш бошлаганига бир неча кун бўлди. Ўнлаб тошкентликлар шаҳар ҳаётига оид хилма-хил фикр ва мулоҳазаларини билдириб, редакцияга қўнғироқ қилишди. Барча саволларга редакция навбатчилари зудлик билан жавоб беришди. Пойтахт кўчалари, маҳалла ва микрорайонларидаги санитария ҳолатини яхшилаш, ободонлаштириш, шунингдек савдо ва транспорт масалалари, депутатлар группаси иши ҳақидаги саволлар эса махсус журналга ёзилиб қўйилди. Ана шу саволларга газета орқали мутасадди раҳбарлар керакли жавобни беришади.

Ҳамза районининг истиқоматчиси Т. Чайковский Маҳзуний кўчасидаги 14-уй ёнида ўтган йили қазилган зовур қачон бартараф этилишини сўраган. Ўзбекистон ССР Давлат стандартлар бошқармасининг моддий-техника таъминоти бошқармаси раҳбарларига қаратилган бу савол ҳанузгача ўз жавобини кутяпти. Бундай манзара кўча кўркини бузибгина қолмай, балки чиқиндилар жойига айлангани учун санитария ҳолатига зиддир.

Телефон қўнғироғи кетма-кет жаринглмоқда. Сергели районида истиқомат қилувчи В. Вихоревани 1-Сергели массиви аҳолисига транспорт хизматини яхшилаш масаласи безовта қилмоқда.

— Айни пайтда, — дейди у, — биз шаҳар марказига фақатгина бир автобусда бора оламиз. Бу ҳам бўлса ҳеч қандай иш графигига амал қилмайдиган 40-«экспресс» автобусидир. Кундуз кунлари уни 30—40 минутлаб кутамиз. Оқшом пайтларини айтмаса ҳам бўлади.

Кейинги қўнғироқ Юнусободдан бўлди. Қўнғироқ қилган киши Юнусобод массивининг 2-кварталида жойлашган биргина сабзавотлар магазинидаги ночор аҳвол ҳақида куйиниб гапирди. Бу ерда ҳанузгача сабзавот ўрнига спиртли ичимликлар сотилмоқда. Магазин ёнида кўпгина қурилиш объектлари мавжуд. Ана шу қурилишларда ишлаётган ишчилар «сабзавот дўкони»дан мунтазам фойдаланишлари табиий. Спиртли ичимликлар билан Чимкент трактида, Аҳмад Дониш ва Энгельс кўчалари муюлишида жойлашган универсам магазинларида ҳам савдо-сотиқ қизғин давом этмоқда.

Газетхонлар хизмат маданияти бўйича ҳам кўп саволлар беришди. Қўнғироқ қилганлар ичида А. Беруний номидаги Тошкент политехника институтининг ўқитувчиси В. Костенко ҳам бор. У Юнусободдаги «Север» бозори ёнида жойлашган макулатура қабул қилувчи пункт мудирига бир нарсани газета орқали эслатиб қўйишни илтимос қилди.

— Мазкур қабул пунктига, — дейди В. Костенко, —мен мунтазам макулатура топшириб тураман. Топширилган ҳар килограмм қоғоз учун абонементдан ташқари 2 тийиндан тўланиши кераклигини билмасдим. Қабул пункти мудири эса шунча йил давомида ҳеч кимга лом-мим демасдан одамлардан икки тийиндан (ҳар килограмм қоғоз учун) олиб қолар экан. Бу ҳақда фақатгина мен эмас, менга ўхшаб кўплаб китобсеварлар билишмас экан. Ҳолбуки, абонемент билан бир қаторда икки тийиндан олиш кераклиги ҳақидаги эълон бу ерда парда орқасида осиғлиқ турибди. Уни ҳеч ким ўқимайди. Бир кунда 200 та абонемент тарқатиладиган бўлса, ҳали бирор киши тўланиши лозим бўлган пулни олгани йўқ. Агар ҳисоблаб чиқса қабул пункти мудири ҳар куни 80 сўмдан фойда кўрар экан.

Биз бу ерда бир нечтагина мисол келтирдик холос. Ўйлаймизки, тилга олинган ташкилот ва корхоналарнинг раҳбарлари айтилган масалалар бўйича зудлик билан чора-тадбир кўриб, жойларда тартиб-интизом ўрнатадилар.

Жамоатчилик редакциясига қўнғироқ қилаётганлар шаҳримизда ҳар куни рўй бераётган кўплаб қизиқарли янгиликлар ҳақида хабар беришади. Ҳушёрлик учун кураш кўнгилли жамияти Советининг масъул секретари Л. В. Шишова Куйбишев районидаги «Семурғ» кафесида амалга оширилаётган тадбирлар ҳақида ҳабар берди. Бу кафе айни пайтда ёшлар ва ўсмирларнинг ҳордиқ чиқариш масканига айланиб бормоқда. Яқинда бу ерда қизиқарли викторина ўтказилди. Бу ажойиб учрашувда 18, 64-мактаблар ва 4-ҳунар-техника билим юртининг ўқувчилари иштирок этишди. Любовь Васильевна ҳозирги пайтда шаҳардаги 10 та районда ҳушёрлик учун кураш кўнгилли жамиятининг ташкил этилганлигини қувонч билан айтди.

Биз унинг жамоатчилик редакцияси орқали ана шу жамият фаолиятини конкрет тадбирларга йўналтиришда йўл-йўриқ кўрсатиш ҳақидаги таклифини бажонидил қабул қилдик.

Жамоатчилик редакция ташкил қилингандан буён ўтган вақт мобайнида тошкентликларнинг барча совет кишилари қатори КПСС XXVII съезди қарорларига жавобан юксак кўтаринкилик билан меҳнат қилаётгани ҳар бир қўнғироқдан сезилмоқда. Ҳамшаҳарларимиз съезд қарорларини ҳаётга тадбиқ этиш, жойларда ҳалоллик ва юксак тартиб-интизомни вужудга келтириш, камчилик ва нуқсонларга муросасиз бўлиш иштиёқида тер тўкмоқдалар. Ленинчасига меҳнат қилиш, берилган вазифани жавобгарлик туйғуси билан бажариш, ўз шаҳрининг ҳақиқий маънодаги фидойилари бўлиш — ҳар бир тошкентликнинг кўнглидаги мақсаддир.

Қўнғироқларингиз ва яхши хабарларингизни кутамиз.

**«Тошкент оқшоми» ва «Вечерний Ташкент» газеталари жамоатчилик редакцияси телефонларида навбатчилик қилувчи**

**А. БАЯНОВ.**

## КЎП НУСХАДА

«Ўзбекистон» ва «Қорақалпоғистон» нашриётлари КПСС XXVII съездида бир овоздан қабул қилинган СССРни иқтисодий ва социал ривожлантиришнинг 1986—1990 йилларга ҳамда 2000 йилгача бўлган даврга мўлжалланган Асосий йўналишлари текстини рус, ўзбек ва қорақалпоқ тилларида китобча қилиб чиқардилар.

Китобчалар Тошкентдаги «Матбуот» полиграфия ишлаб чиқариш бирлашмасида ва Нукус полиграфия комбинатида нашр этилди.

